


Ҳашар - элга ярашар




Айни вақтда Автомобиль йўллари қўмитасининг 30 мингдан ортиқ жамоаси томонидан "Маҳалла ободлиги – юрт фаровонлиги" шиори остида умумхалқ ҳайрия ҳашари уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.



Рамазон Ҳайитини саришталикда, атроф-муҳитни ободонлаштириб, яхши кайфиятда ўтказишда ҳикмат катта. Зеро, халқимизда тозалик бор жойда барака, фаровонлик бўлади, нақллар бежизга авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келмайди.

Айни пайтда, йўлсозлар томонидан ишхонларнинг ҳовлиси ва атрофлари тартибга келтириб, гуллар экиб, девор ва дараҳтларни оқлаш, дараҳтларга шакл беришиб ва тўпланиб қолган чиқиндилардан тозалаш ишлари давом эттирилмоқда.





Автомобиль йўллари қўмитаси

Ахборот хизмати